O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING XUSUSIYLASHTIRISH, MONOPOLIYADAN CHIQARISH VA RAQOBATNI RIVOJLANTIRISH DAVLAT QO'MITASI

**QIMMATLI QOG'OZLAR BOZORINI MUVOFIQLASHTIRISH VA RIVOJLANTIRISH MARKAZI SURXONDARYO VILOYAT BOSHQARMASI**

THE STATE COMMITTEE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN FOR PRIVATIZATION, DEMONOPOLIZATION AND DEVELOPMENT OF COMPETITION

**SURKHANDARYA REGIONAL DEPARTMENT OF THE CENTER FOR COORDINATION AND DEVELOPMENT OF SECURITIES MARKET**

190100, O'zbekiston, Termiz, M.Qoshqariy ko'chasi, 36a — 36a, M.Qoshqariy str., Termez, Uzbekistan, 190100

Tel.: 998 (76) 223-01-44, 223-01-43 www.csm.gov.uz e-mail: surxandarya@csm.gov.uz

**ҚАРОР №** 02-22/10 "25" декабр 2014 у.

«Сурхон пармалаш ишлари» очиқ акциядорлик жамияти акциядорларининг 2014 йил 18 июндаги умумий йиғилиши ва Кузатув Кенгашишининг 2014 йил 16 сентябрдаги 4-сонли йиғилишининг қарорларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 30 августда 2000-рақам билан рўйхатга олинган Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларининг 100-бандига асосан бошқарма

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**1.** «Сурхон пармалаш ишлари» очиқ акциядорлик жамияти акцияларини майдаланиши ва аввал чиқарилган акциялар янги чиқарилган номинал қиймати камайтирилган акцияларга айирбошланиши муносабати билан жамиятнинг Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги хузуридаги Қимматли коғозлар ва фонд биржалари Давлат комиссияси томонидан 1996 йил 26 мартда (эски рақами 09-1-0109) J0141- рақам билан давлат рўйхатига олинган, Қимматли коғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказининг Сурхондаре вилоят худудий бўлими томонидан 1998 йил 17 мартда (эски рақами 09-1-0176/П) J0141- рақам билан давлат рўйхатига олинган ва Қимматли коғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказининг Сурхондаре вилоят худудий бўлими томонидан 2001 йил 9 августда J0141-рақам билан давлат рўйхатига олинган акциялар чиқарилувларини Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг ягона давлат реестридан чиқариш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

- ариза;
- жамиятнинг 1996 йил 26 мартдаги J0141-рақамли, 1998 йил 17 мартдаги J0141-рақамли ва 2001 йил 9 августдаги J0141-рақамли эмиссия рисолаларининг асл нусхалари.

**2.** «Сурхон пармалаш ишлари» очиқ акциядорлик жамияти акцияларини майдаланиши ва аввал чиқарилган акциялар янги чиқарилган номинал қиймати камайтирилган акцияларга айирбошланиши муносабати билан жамиятнинг Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги хузуридаги Қимматли коғозлар ва фонд биржалари Давлат комиссияси томонидан 1996 йил 26 мартда J0141- рақам билан давлат рўйхатига олинган акциялар чиқарилувига асосан чиқарилган умумий қиймати 126456000 сўмлик, номинал қиймати 12000 сўм бўлган 10538 дона оддий акциялари ва миллий идентификация рақами (RU101J0141T1), Қимматли коғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказининг Сурхондаре вилоят худудий бўлими томонидан 1998 йил 17 мартда J0141-рақам билан давлат рўйхатига олинган акциялар чиқарилувига асосан чиқарилган умумий қиймати 127020000 сўмлик, номинал қиймати 12000 сўм бўлган 9414 дона оддий акциялари ва 1171 дона имтиёзли акциялари миллий идентификация рақами (RU102J0141T9 ва RU201J0141T9) хамда Қимматли коғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказининг Сурхондаре вилоят худудий бўлими томонидан 2001 йил 9 августда J0141-рақам билан давлат рўйхатига олинган акциялар чиқарилувига асосан чиқарилган умумий қиймати 336684000 сўмлик, номинал қиймати 12000 сўм бўлган 28057 дона оддий акциялари ва миллий идентификация рақами (RU103J0141T7) бекор қилинсин.

**3.** «Сурхон пармалаш ишлари» очиқ акциядорлик жамиятининг акциялар чиқарилувига берилган миллий идентификация рақамлари (RU101J0141T1, RU102J0141T9, RU201J0141T9 ва RU103J0141T7) бекор қилинганлиги тўғрисида Эмиссиявий қимматли қоғозлар

чиқарилишларининг ягона давлат реестрига тегишли ёзувлар киритилсин. Мазкур қарорнинг бир нусхасини “SURXON PARMALASH ISHLARI” aksiyadorlik jamiyatiga ва бир нусхасини Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига маълумотлар базасига тегишли ўзгартиришлар киритиш учун тақдим этиш топширилсин. Депо раками 0006073.

**4.** Ү. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Бошқарма бошлиғи :** **Э.Искандаров**